УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 140795
Гос. книжная палата УзССР

Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 12 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 27 (6673)

Ўзбекистон — Туркия

ДИЛЛАР ДИЛЛАРГА ТУТАШ

Туркия — денгизлар қуршовидаги юрт. У Европа ва Осиё қитъаси ўртасидаги йирик давлатлардан бири. Мамлакатни гарбдан Эгей денгизи, шимолдан Қора денгиз ва жанубдан Урта Ер денгизи ураб туради. Пойтахти — Истамбул шаҳри. Майдони 779,814 кв. километрни ташкил қилади. Аҳолиси 61,2 миллион киши.

Туркия! Қушиқларда куйланган юрт! Шеърларда тараннум этилган макон! Киноларда акс этган гўша! Туркия деганда, негадир дилимиз энтикади. Бунинг боиси, тарихи, дини, тили ва маданияти биз ўзбекларга ниҳоятда уйғун булганидандир.

Туркия ва Узбекистоннинг дуслиги, қардошлиги ва ҳамкорлиги нақадар боқий ва шу қадар навқиронди. Давлат раҳбарларининг расмий ташрифлари эса дилларни дилларга туташтириб, алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Юртбошимизнинг 1994 йил июнь ва октябрь ойларида Туркияга қилган сафари бағоят самарали булган эди. Туркия ва Узбекистон ўртасида сиесий, иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга доир 50 дан зиёд ҳужжатлар имзоланган. Шартнома ва битимлар шунчаки расмият учунгина қабул қилинмасдан, икки давлатнинг, икки халқнинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Туркия бош вазири Тансу Чиллер хоним камоли эҳтиром ила она диёримизга ташриф буюрди. Муҳтарама хонимнинг қадами олижаноб мақсадларга қаратилгани, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан қадрли ва аҳамиятлидир.

Тошкент аэропортида туркиялик мартабали меҳмонни республикамиз Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди. Ўзбекистон ва Туркия давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони олий мартабали раҳбар учун ажратилган қароргоҳга элтиб қўйди.

Аэропортдаги қисқа мулоқот делегацияларнинг ўзаро танишувлари ва сафарнинг асосий дастури билан танишишга йул очди. Делегациялар Халқлар Дуслиги саройининг муҳташам залига кирарканлар, улар жуда муҳим сиесий воқеага гувоҳ бўлдилар. Туркия бош вазири Тансу Чиллер ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Узбекистон ва Туркия республикалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги меморандумга имзо чекдилар.

— Узбекистон Туркия билан, албатта, ҳамкорлик қилиши керак, — деди мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов. — Бизда Туркиянинг 21 та йирик ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 140 га яқин қўшма корхоналар мавжуд. «Узбекистон-Туркия» банкининг ташкил этилиши хусусий бизнеснинг, ишбилармонликнинг ривожланишига туртки беради.

Туркия бош вазири Тансу Чиллер ўз нутқида мустақил Узбекистон билан борди-келди қилиш улар учун ҳам бағоят самарали бўлишини таъкидлади.

Тансу Чиллер Узбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Туркиянинг «Ай Сел» фирмаси Тошкент шаҳрида бунёд этган кўнгилочар боғ — «Диснейленд»га ҳам ташриф буюрди. Муҳтарама меҳмон Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, туркий адабиётнинг улуғ сиймоси пойига гулдаста қўйди.

Туркия бош вазири Тансу Чиллер Самарқандга ҳам ташриф буюрди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг муқаддас тупроғида бўлиш азиз меҳмонга оламжаҳон таассуротлар берди. Буюк аллома ва мунажжим Улуғбек расадхонасини зиёрат қилиш, Буюк мунажжим ҳайкали пойига гуллар қўйиш Тансу Чиллер хотирасида умрбод сақланса, ажаб эмас. Шунингдек, буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари ҳам Туркия бош вазирини қизиқтирди. У Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди.

Турк халқининг буюк фарзанди Камол Отатурк номи Самарқанд шаҳридаги кўчалардан бирига берилиши муносабати билан бу ерда митинг бўлди. Туркия бош вазири Тансу Чиллер митингда иштирок этар экан, қалби фахр-ифтихор ҳисларига тўлди ва бунинг учун чексиз миннатдорлик изҳор этди.

Шу куни Тансу Чиллер Самарқандан Тошкентга қайтди. Узбекистон пойтахтининг аэропортида муҳтарама меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

Хуллас, Узбекистон—Туркия ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган расмий зиёрат шундан далолат берадики, бундан буён мустақил юртимиз мазкур давлат билан иқтисодий-маданий риштани яна ҳам дадилроқ боғлайди. Ташрифдан сўнг журналистлар билан учрашувда республикамиз Президенти Ислом Каримов музокараларни, мулоқотларни хулосалаб, шундай деди:

— Туркия билан биз қондошмиз. У бизга кўмакдош, мададкор. Мустақиллигимизнинг илк кунларида бу давлат бизни қўллаб-қувватлаган эди. Бундай ҳаракат давом этмоқда. Узаро музокаралар чоғида Туркия Узбекистон учун 125 миллион доллар кредит беражагини маълум қилди. Биз бундан хурсандмиз!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

«Маърифат» мулоқоти

Музроб ҚУРБОНОВ,

Ўзбекистон Давлат тест марказининг директори:

«НИЯТИМИЗ ХОЛИС...»

Мана, бу йилги саратон ҳам олий ўқув юртлари тавaрагини илм иштиёқида юрган ёшлар билан тўлғазди. Уларнинг қалбларида ҳаяжон, кўнгилларида бир олам ташвиш: қайси институтга ҳужжат топширса экан? Бу йил қабул қандай тарзда бўлади? Тест-синови деганлари чиндан ҳам адолатлими?

Биз ҳам ёш илм иштиёқмандларига тинчлик бермаётган саволларга жавоб топиш ниятида олий ўқув юртларига қабул қилишлардаги янгиликлар ҳақида тўлароқ тассурот олиш учун Узбекистон Давлат тест маркази директори Музроб Муродович ҚУРБОНОВ билан суҳбатлашдик.

— Музроб Муродович, мана тўртинчи йилки, абитуриентлар олий ўқув юртларига тест синовлари асосида қабул қилинмоқда. Утган йиллар тажрибаси бугун қандай натижалар бераяпти? Бу йил абитуриентларни қабул қилиш тизимидаги ўзгаришлар нималардан иборат?

— Тест синовлари 1992 йилда республика Президенти Фармони асосида татбиқ қилина бошланганди. Утган йилларнинг тажрибаси, олий ўқув юртларига абитуриентлар бундай усул билан қабул қилиниши айни муддао эканлигини кўрсатиб турибди. Биринчидан, узоқ йиллардан бери худди шу масалада учраб келаётган адолатсизликларга, кўнгилсизликларга қаттиқ зарба берилди. Иккинчидан, институт ва университетларимизга билимли, иқтидорли ёшларни йиғиб олишга эришиляпти. Агар диққат билан кузатилса, олий ўқув юртларига қабул усули, қоидалари йилдан-йилга такомиллашиб бораётганини кўрамиз. Масалан, бу йилги қоидаларимиз аввалгиларидан анча фарқ қилади. Булар яқинда «Халқ сўзи» газетасида эълон этилган, алоҳида қўлланма шаклида чоп қилинган «Узбекистон Республикаси олий ўқув юртларига 1995/96 ва бундан кейинги ўқув йилдари талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидадари тўғрисидаги Низом»да батафсил ёритилган бўлса-да, яна бир карра эслатиб ўтмоқчиман. Бу йил абитуриентлар алоҳида факультетларга эмас, ихтисос йўналишлари гуруҳи бўйича қабул қилинади. Масалан, абитуриент электроэнергетика факультетига ўқишга кирмоқчи, лекин у аризасида буни кўрсатмайди, балки худди шу факультет қайд этилган код рақамини кўрсатади (масалан, «№001»). Бироқ, абитуриент бир нарсани ёддан чиқармаслиги керак, «№001» рақамли кодда у хоҳлаб турган электроэнергетикадан ташқари, механика, геология каби бир қанча таълим йўналишлари кўрсатилган. Нима учун? Сабаби шуки, бу таълим йўналишларининг ҳаммаси бўйича ўқишга қабул қилиш учун ўтказиладиган тест-синов предметлари ҳам бир хил. (Масалан, математика, физика, она тили ва адабиёти...). Абитуриент имтиҳон натижаларига кўра тўплаган балл электроэнергетика мутахассислигига етмай, механикага кифоя бўлса, у худди ўша бали етадиган таълим йўналишига ўқишга киради.

Бу йилги қабул тизимидаги яна бир янгилик, профил, яъни ихтисослик бўйича ижодий имтиҳондир. Ижодий имтиҳон тест синовларигача, 11—24 июль оралиғида, баҳоларнинг тест синовларида қўзда тутилган энг юқори балларнинг нолдан эллик фоизигача бўлган балли ўртасилаги кўп балл ягона тизим бўйича ўтказилади.

— Музроб Муродович, таълим йўналишлари бўйича қабулнинг ўзига хос жиҳатлари, аҳамияти нималардан иборат? Нима сабабдан қабулнинг бундай усули жорий этилди?

— Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, жуда кўп билимли, иқтидорли абитуриентлар яхшигина балл тўплаганлигига қарамай, ўрин тўлиб қолиш натижасида, ўша ўзи ёқтириб ҳужжатларини топширган факультет бўсағасида қолиб кетишди. Ахир, бу нохуш аҳвол-ку! Бу йил бундай бўлмайди. Дейлик, «№001» йўналишга ҳужжат топширган абитуриент камроқ балл тўплаганлиги сабаб, электроэнергетика эмас, механика мутахассислигига талаба бўлса, нимаси ёмон?

Хуллас, йўналиш бўйича қабулда бизнинг ниятимиз холис. Билимли, иқтидорли ёшлар умидсизланиб кетмасин, олий ўқув юртларимизнинг толиби бўлсин, деймиз.

— Ўзингизга маълумки, ўтган йилларда имтиҳон пайти тест-синов қоғозини абитуриент қалам билан тўлдирарди. Бу усул кўпгина абитуриентларда, ота-оналарда аллақандай шубҳа уйғотарди...

— Фикрингизни тушундим, бу муаммони ҳисобга олиб бу йил абитуриентларга имтиҳон пайтида, тест-синов қоғозларини тўлдиришда кўк (ҳаворанг) пастали ручкалардан фойдаланишга рухсат этилди. Бу қоида Низомда ҳам алоҳида кўрсатилган.

— Низом бўйича яна қандай имтиёзлар кўзда тутилган?

— Узбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Узбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Халқ таълими, Маданият вазирликлари, Давлат спорт қўмитаси томонидан ўтказилган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақаларининг ғолиблари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг гувоҳномасини олганлар Давлат комиссияси қарори билан тегишли олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинади. Масалан, абитуриент математика фанидан республика олимпиадаси ғолиби бўлса, у ўша мос таълим йўналишига тест синовларисиз қабул қилинади. Аммо, дейлик, тарих факультетига ёки араб филологиясига ўқишга кириш учун бундай имтиёзлардан фойдалана олмайди. Чунки математика предметининг бундай ижтимоий мутахассисликларга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Шунингдек, Узбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 3 октябридаги «Мажбурий ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарорига асосан, мажбурий ҳарбийликдан қайтган абитуриент, ўзи хизматни ўтаган ҳарбий қисмдан тавсиянома олиб келса, унга ҳам имтиёз берилади. Яъни, тест-синовларида тўплаган балига олий ўқув юртига қабул қилиш пайтида энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорида балл қўшилади.

Дарвоқе, бу йил ҳамма абитуриентларимиз учун ҳам имтиёз яратишга ҳаракат қилдик, десам муболаға бўлмас. Биз олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест саволларини «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарида тўла эълон қилдик. Бу абитуриентларнинг имтиҳонларга кўнгилдагидек тайёрланишга катта қулайликлар яратади. Фақатгина ёшларимизда тиришқоқлик, кунт-сабот, меҳнатсеварлик бўлса бас...

Суҳбатдош:
Лукмон БЎРИХОН,
«Маърифат» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ

Мамлакатимизда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига ҳам олти йилга яқин вақт ўтди. Бу даврда республика халқ таълими тизимида ҳам Қонунни амалга ошириш борасида ибратли тажрибалар тупланди, уларни ўрганиш, оммалаштириш, таълим ишидаги айрим камчиликларни бартараф этиш шу кунининг долзарб вазифаларидандир. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг шу йил 4 июлдаги йиғилишида Навоий вилояти таълим муассасаларида Узбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг бажарлиши аҳволи ҳақидаги масалани кўриб чиқишдан мақсад ҳам бу борадаги яхши иш тажрибаларни аниқлаш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилашга қаратилди.

Ҳайъат раиси, Узбекистон халқ таълими вазири Ж.Г.Йўлдошев кириш сўзидаёқ кун тартибига киритилган масалаларнинг моҳиятига тўхталиб, Қонун талабларини бажарилишининг, таълим сифатини таъминлашнинг бош ижрочиси малакали, ижодкор, фидойи ўқитувчи кадрлар эканлигини таъкидлаб ўтди.

Мажлисда Навоий вилояти таълим муассасаларида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақида вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Б.Насриддинов ҳисоботи эшитилди ва муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлиси йиғилишида таъкидландики, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида Навоий вилоятининг таълим муассасаларида Қонун ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар қилинган. Чунончи, ўзбек тилини ўқитиш, ўрганиш, тарғиб этиш бўйича дастур ва режалар ишлаб чиқилган. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Нурота, Конемех, Хатирчи, Қизилтепа туманларида айрим педагогик жамоалар, давлат тилини ўқитиш ва ўргатишда ноанъанавимй усуллардан кенг фойдаланиб келмоқдалар. Вилоятнинг қатор таълим муассасаларида давлат тилини ўқитишда оммалаштиришга лойиқ тажрибалар мавжуд. Жумладан, Навоий шаҳридаги 4-ўрта мактабда дарс жараёнлари ва дарсдан ташқари тадбирларни ўтказишда ЭҲМлар ва замонавий техника воситаларидан фойдаланишнинг яхши йулга қўйилиши таълим сифатини оширишнинг омили бўлаётир. Олиб борилаётган ишлар моҳиятини эътиборга олиб Ҳайъат мажлиси Навоий шаҳридаги 4-ўрта мактаб жамоасининг давлат тилини ўқитишдаги ноанъанавий усуллардан фойдаланиш бўйича тажрибаларини оммалаштириш лозимлигини қайд этди. Шунингдек «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш юзасидан вилоятда қилинаётган ишлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Вилоят халқ таълими бошқармасига 1995 йил 1 сентябрга қадар «Ўзбек тили — давлат тили» рукни остида ўтадиган республика миқёсидаги анжуманни Навоий вилоятида ўтказиш бўйича вазирликка таклиф киритишни топширди. Қонунни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қабул қилинган тадбирларни таҳлил этиш ва қўшимча чора-тадбирлар белгалаш лозимлиги қайд этилди. Шу йил ўтадиган август кенгашларида ҳамда уларнинг шўъба йиғилишларида таълим муассасалари раҳбарлари, мутахассислар иштирокида масала кенг муҳокама этилиши, Қонун ижросини таъминлашдаги камчиликларни тугатиш, давлат тили нуфузини ошириш юзасидан, қўшимча чора-тадбирлар белгилаш зарур. Кутубхоналарни ўзбек тилидаги адабиётлар ва қўлланмалар билан бойитишга эътиборни қаратиш керак.

Ҳайъат мажлиси республика таълим илмий-методика марказига икки ой муддатда таълим жараёнининг ўқув-методик таъминотини тўлдан янгилаш ва яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар киритиш, бунда янги дастурлар асосида ёзиладиган дарслик, ўқув қўлланмалари, луғатлардан ташкил топган, ўқув-методик адабиётлар тўпламини мукаммал тайёрланишига асосий эътиборни қаратишни вазифа қилиб юклади. «Тил ва адабиёт таълими» журнали, бошқа педагогик газета ва журналлар таҳририятларига Узбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси билан боғлиқ материалларни изчил ёритишни топширди.

Ҳайъат мажлисида «Педагогик кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш чоралари тўғрисида»ги масала ҳам кенг муҳокама қилинди. Шу нарса қайд этилдики, сўнгги икки йил давомида педагогик кадрлар қўнимсизлиги ортиб бормоқда. Қўнимсизлик илгариги икки йиллик даврга нисбатан 12,3 минг кишига ортган. Бошқа соҳаларга 6600 нафардан зиёд педагогик ходим ишга ўтиб кетган. Айниқса, Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро вилоятлари таълим муассасаларидан бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетган педагоглар кўп.

Педагогик кадрлар қўнимсизлигини қисқартиш, уларнинг таълим муассасаларида муқим ўрнашиб қолишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам қўрилмоқда.Бир қатор туманларда ҳокимликлар билн биргаликда ўқитувчиларга жамоат транспортидан бепул фойдаланиш, корхоналар, ҳомийлар, хўжаликлар ҳисобидан уларга қўшимча ҳақ тўлаш, моддий ёрдам кўрсатиш ташкил этилди. Андижон вилояти, Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларида педагогларни маънавий рағбатлантириш мукофот ва нишонлари таъсис этилди. Булар, албатта, педагоглик касби қадр-қимматини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қаердаки, муаллим эъзозланса, у ерда педагогик қунимсизлик оз бўлишини ҳаёт тажрибаси кўрсатаётир. Шу боисдан ҳайъат мажлиси халқ таълимининг маҳаллий идоралари ҳокимликлар, корхоналар, тижорат тузилмалари ва ҳомийлар билан ҳамкорликда педагогик кадрларга қўшимча имтиёзлар яратиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни маъқуллади.

Халқ таълимининг маҳаллий бошқарув идораларига таълим-тарбия муассасаларидаги педагогик кадрлар қунимсизлигининг олдини олиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, муассасалар ишлаб чиқариш фаолияти даромадларидан, турли тушум маблағларидан белгиланган тартибда муаллимларга моддий ёрдам кўрсатиш, битирувчиларнинг ишга жойлашиши ва ёш мутахассисни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, таълим-тарбия муассасаларини педагогик кадрлар қунимсизлигининг олдини олиш бўйича ҳар йили 15 декабргача вазирликка батафсил маълумотнома бериш вазифаларини топширди.

Ўқитувчи ва тарбиячилик касбини улуғлаш, уларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини янада ошириш учун ғамхўрлик қилиш энг муҳим вазифалардан бўлмоғи зарур.

Ҳайъат мажлисида таълим-тарбиявий ишга тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди, шу масалаларга оид қарорлар қабул қилинди.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ҲОМИЙ ТАШКИЛОТДАН МИННАТДОРМИЗ

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги Ойбек номли 4-ўрта мактаб муаллимлари ва хизматчилари шаҳар мактаблари орасида биринчилардан бўлиб таъмирлаш ишларини якунладилар. 36 та синф хонаси, 6 та ёрдамчи хона, 540 та парта, 40 та ёзув тахтаси сифатли таъмирланиб янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди. Бунда муаллимлардан Д. Абдураҳимов, Ш. Мамадалиев, О. Абдураҳмонова, З. Чахалова, М. Усмонова, Г. Маҳмудова ва бошқаларнинг меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

— Оталиқ ташкилоти — Ип-газлама корхонаси маъмурияти бу борада фаол ёрдам кўрсатяпти,— дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Носиржон Умматалиев,— улар шу кунгача 8 минг сўмлик турли бўёқ ва матолар бердилар. Ташқи безак учун яна 6 минг сўмлик жиҳоз ажратишмоқчи.

Таъмирлаш ишларида У. Абдураҳмонов, М. Жамбулов, Ё. Мирзараҳмонова, С. Латипова, Х. Тожиаҳмедова, З. Дадахонова, М. Исоқова, И. Қамбаралиев, М. Тешабоевлар жонбозлик кўрсатдилар.

— Қурувчилар ҳам ишни кўпинча сифатли бажаришмайди,— суҳбатда давом этди директор,— мактаб қурилишида икки қаватли бино томи яхши ёпилмагани маълум бўлди. Бу нуқсонни қисқа фурсатда бартараф этмоқчимиз.

А. АБДУҒАНИЕВ.

«Маърифат» хабарлари

ҚАРДОШ ШОИР ХОТИРАСИ

Буюк қозоқ шоири Абай Қунонбой ўғли таваллудига 150 йил тўлмоқда. Шу сана муносабати билан Нукус давлат педагогика институтида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган адабиётшунос олимлар Абай ҳаёти ва ижодининг турли қирралари ҳақида сўзладилар.

ИККИ ЯХШИ МУАЛЛИМА

Марҳаматда туман миқёсида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик танлови бўлиб ўтди. Ҳамид Олимжон номидаги 24-мактаб ўқитувчиси Ҳурматой Қорабоева танлов ғолибаси бўлиб, вилоят кўригида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, Марҳамат шаҳар халқ таълими бўлимида ўтказилган худди шундай тадбир иштирокчилари 5-ўрта мактаб муаллимаси Холидахон Мирзажоновани энг яхши ўқитувчи деб топишди.

ТИЛ БИЛДИНГ — ТИЛЛО ТОПДИНГ

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан «Жаҳон тиллари ва ахборот маркази» ташкил этилди. Яқинда Урганч шаҳрида ана шу тил марказининг очилиш маросими ва АҚШнинг «Тинчлик корпуси» мутахассислари билан вилоят инглиз тили ўқитувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция уч кун давомида Хоразм ёшларига инглиз тилини чуқур ўргатиш масалалари билан шуғулланди.

ИБРАТЛИ ТОМОШАЛАР

Пойтахтнинг Муқимий номли театрида «Фарзанд камоли — Ватан жамоли» деб номланган Тошкент давлат педагогика институти домлалари ва талабалари кўрик-танловининг якуний қисми бўлиб ўтди. Унда қатнашчилар томонидан ижро этилган фарзанд тарбиясига оид саҳна кўринишлари томошабинлар диққатига сазовор бўлди. Энг фаол иштирокчиларга эса совринли ўринлар ва институт раҳбариятининг мукофотлари насиб этди.

ТЎЙ БОШЛАНДИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти бу йил ўзининг 60 йиллик тўйини қаршиламоқда. Илм даргоҳида шу санага бағишлаб ўтказиладиган бир қатор тадбирлар белгиланган эди. Яқинда шулардан дастлабкиси, «Педагогика-психология фанлари тажрибалари ва истиқболлари» илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда институт ўқитувчилари иштирок этиб, мавзу бўйича маъруза қилдилар.

ДЕҲҚОНОБОДЛИК ЁШ ДЕҲҚОНЛАР

Деҳқонобод туманидаги Анвар Амирқулов номли мактаб жамоаси сифатли ишлов берилиб, тахт қилиб қўйилган 3 гектар майдонга лалми тарвуз уруғини сепиб чиқдилар. «Қули текканнинг оғзи тегади» дейишади. Пишиқчиликда болалар би-ир тарвузга тўядиган бўлишибди-да.

ҚИЗЛАР ИШГА КИРИШДИ

Қамашидаги 5-ҳунар билим юртининг толиба қизлари устозлари Тўлғоной Ҳасанова раҳбарлигида гилам тўқишга киришдилар. Ёш тўқувчилар 1,5х2 метрли ўлчамда Хива гиламларини тайёрлашмоқчи. Харидорлар бўлса марҳамат!

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ОҚ КАБУТАР, БАЛАНД УЧ!

Шаҳрисабз туманида жойлашган Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасига қарашли Й. Охунбобоев номидаги болалар ва ўсмирлар оромгоҳида айни кунда 300 нафар ўқувчи кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.

— Болаларнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш ниятида кўплаб оммавий ва қизиқарли тадбир уюштирмоқдамиз, — дейди оромгоҳ директори Султон Ашуров. — Куни кеча Узбекистоннинг мустақиллигига бағишлаб ўтказилган «Оқ кабутар, баланд уч» деб номланган кечамизда ўқувчилар мустақил юртимизнинг порлоқ келажаги ҳақида қизиқарли саҳна асарларини ўйнадилар...

Абдували ОБИДДИНОВ.

Муҳим нашрлар

ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Азиз газетхонлар! Сиз зиёлига хос идрокингиз билан кўриб, билиб ва сезиб турибсизки, Ўзбекистонда жаҳон цивилизациясига, аркони давлат соҳасида мутараққий халқлар эришган тажрибаларга ва ўз элимизга хос миллиятга асосланган одил жамият, демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда. Юртбошимизнинг қатор китобларида эса ана шу сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотларнинг назарияси ҳамда амалиёти асосланиб келинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли янги китоби чоп этилди. Унда юртимизда озодлик шамоли эсгандан буён амалга оширилган ижтимоий-сиёсий силжишлар, иқтисодий ислоҳотлар, онг эврилишларига доир хулосалар чиқарилган. Китобнинг биринчи қисмида қилинган ишлар холис таҳлил этилса, иккинчи қисмида мамлакат олдида турган вазифалар баён қилинган.

Биз шоҳиди бўлиб турган ҳаётга ҳамнафас ушбу китоб олимлару раҳбарлар, ташкилотчилару тадбиркорлар учун муҳим қўлланмадир. Шунингдек, зиёлилар, олий, ўрта махсус ва умумтаълим билимгоҳлари учун ҳам муҳим қомусий йўриқномадир.

Эътиборингизга китобнинг маърифий-маънавий хулосаларидан парчалар ҳавола этар эканмиз, фикрингизни бойитишига ишонамиз.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС КИТОБ

*

Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу — жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир.

*

Мустақиллик йиллари — ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиш давридир. Бу — озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёркин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган даврдир.

*

Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади.

*

Ҳар бир кишининг тақдири кўп жиҳатдан унинг касб маҳорати, маънавий эътиқоди, жўшқин ўзгариб бораётган янги муҳитга мослашиб билиш қобилияти билан белгиланади.

*

Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин.

*

Бозор муносабатларига ўтиш пайтида объектив шароитни — халқнинг турмуш тарзи, аҳвол-руҳияси, анъаналари, маданиятини эътиборга олмасдан бўлмайди.

*

Маънавий мустақиллик ва ўзига беклик, эзгулик, қалб сахийлиги ва бағри кенглик халқимизга хос хусусиятдир. Бу гўзал фазилатлар янги иқтисодий ва турмуш шароитларида синовдан ўтди. Халқимизнинг энг яхши хислатлари, ўз ерига, юртига меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги маънавий бирликни мустаҳкамлайди.

*

Буюк аждодларимизнинг руҳи нурафшон қилиб турган, бизга илҳом бераётган ва эгнимизни бут, қорнимизни тўқ қилаётган шу муқаддас заминга муҳаббат бамисоли битмас-туганмас чашмадек қайнаб турибди. Инсон бутун вужуди билан шу юртга таъзим қилади.

*

Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир.

*

Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она ким тилини қайта тиклашда ҳеч ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди. Биз халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашининг жўшқин учоғи бўлган энг олижаноб маънодаги маҳалла, қўни-қўшничилик, ўзаро ёрдамлашувнинг аҳамиятини кўпроқ қадрлай бошладик.

*

Ёш авлоднинг инсоният даҳолари бўлган буюк аждодларимизга муносиб бўлиш йўлида тобора кучайиб бораётган интилишини ҳам янгиланишнинг салмоқли якуни сифатида алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

*

Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин.

Мулкдорлик ҳуқуқи ва тадбиркорлик туйғуси мамлакат аҳолиси орасида тобора кенг ва чуқур ёйилмоқда, одамлар руҳияти ва феъл-атворида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Тайёрга айёрлик ва ялқовлик майллари дарров бўлмаса-да, баъзан қийинчилик билан бўлса-да, барҳам топмоқда. Ўқимишлилик тушунчаси янги маъно касб этмоқда.

*

Ўзбек халқининг бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти жасоратини ҳурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон-шараф манбаи бўлиб қолди.

*

Биз тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз учун ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз.

*

Илғор зиёлилар, олимлар, ёзувчилар, санъат ва маданият арбоблари, руҳонийлар ислоҳ қилиш сиёсатини астойдил ёқлаб чиқмоқдалар. Шу боисдан ҳам бизнинг маънавий ҳамда ақлий имкониятларимиз беқиёс мустаҳкамланди.

*

Жамият ислоҳотларнинг биринчи босқичидан цивилизациялашган, инсон сари йўналтирилган бозор иқтисодиётини маънавият, ахлоқийлик ва маданиятнинг мустаҳкам пойдеворига қуриш зарур деган хулоса чиқарди. Булар — Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳаётбахш манбаларидир.

*

Файласуфлардан бири, маънавият — инсонийликка олиб борадиган йўлдир, деган экан. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон бугунги кунда ўз келажагига худди шу йўлдан, эзгулик ва инсонийлик йўлидан одим ташламоқда.

*

Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир.

*

Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин.

*

Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайратшижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиявий оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

*

Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси, профессионал тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу — ислоҳотларнинг белгиланган йўлдан боришини муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир. Бу — сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишдир.

*

Биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли киши учун зарур бўлган барча билимларни эгаллай олишларига, янги шароитларга тез ва машаққатларсиз мослашишларига имкон беришимиз керак.

*

Халқ таълимининг бутун тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур. Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини, унинг барча бўғинларини ягона комплекс сифатида қараш талаб этилмоқда. Бу бўғинлар болаларнинг мактабгача тарбия олишини, умумий ва махсус билимга, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий камол топишини, уларнинг жисмоний ривожланишини таъминлайди.

Бунинг учун умумий таълим мактабини, олий ва ўрта махсус таълим тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини янгилаш, уларни жаҳон билим дурдоналари билан бойитиш, замонавий дарсликлар ва махсус адабиётлар чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Ўқитувчилар, муаллимларнинг обру-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш керак.

*

Болалар билан мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишга, кишиларда, энг аввало, ёш авлодда юқори маданият ва маълумотни,меҳр-оқибат ва ҳалолликни, ахлоқий покликни шакллантириши лозим бўлган ижтимоий-маданий муассасалар — кутубхоналар, театрлар, музейлар, кўргазма заллари ва бошқаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

*

Демократик жамият — бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро, давлат ва шахслараро ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди.

*

Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир.

*

Ўзбекистон бундан буён ҳам ижтимоий кафолатлари кучли бўлган чинакам демократик, кўп миллатли давлат бўлиб қолаверади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари асосида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ҳамма турдаги таълим муассасалари ва ўқув юртларида дарс жараёнида, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларда ушбу асардан фойдаланиш учун режа, дастур ва тавсияномалар ишлаб чиқилди. Таълим муассасалари ва ўқув юртларининг кутубхоналарини ушбу асар билан таъминлаш, Президентимиз асарлари бўйича китобхонлар анжуманлари ўтказиш, суҳбатлар уюштириш, деворий қўргазмалар ташкил этишга қарор қилинди. И. Каримов асари ғояларини ҳисобга олган ҳолда ўрта умумтаълим мактаблари учун «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича ўқув қўлланмасини (9-11-синф учун) ишлаб чиқиш ва нашр этишга келишилди.

Таълим — тарбиянинг барча йўналишларини қамраб олган тарбиявий ишлар тизимини яратишда асосий эътиборни Президент асарларида кўрсатилган юксак маънавий шахсни тарбиялаш масалаларига қаратишга даъват қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Президентининг мазкур асарини Республика ўқув юртларида 1995-96 ўқув йили (2 сентябр) дан ўқитишни ташкил этиш юзасидан 20 июнда олий ўқув юртлари ректорлари иштирокида махсус йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда барча вилоят ва шаҳарлардаги олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. А. Азизхўжаев қатнашди.

Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўқув юртларида махсус курс сифатида ўқитиш бўйича вазирлик буйруғи эълон қилинди. Махсус 24 соатлик курс дастури ишлаб чиқилди.

Ўқишни ташкил этиш, махсус курс маърузалари ва семинар машғулотлари мазмуни ҳамда курснинг методик масалалари юзасидан мажлисда Тошкент молия институти профессори А. У. Ўлмасов маруза қилди. Республиканинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари Вазирлик буйруғи ва махсус курс дастури билан таъминланди.

АРАФА

Бундан ўн йил аввал ўғил-қизлар яхши ният, катта орзулар билан 1-синфга қадам қўйишган эди. Не бахтким, улар кўзлаган мақсадларига эришишди: етуклик кафолати — ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага эга бўлишди. Бу давр мобайнида ўғил-қизлар бир-бирига дўст тутинишди, сирдошлар бўлиб қолишди. Муаллимлар уларга бамисоли иккинчи ота-онадек эди. Энди эса айрилиқ, ҳаёт бўстонига мустақил қадам — ҳамма-ҳаммаси ҳадикли. Қувончлиси, муаллим орзулари рўёбга чиқди. Муҳими, ниҳолдек асраган полопонлари ҳаётга учирма бўлди...

Биз 17 июнь куни пойтахтимиздаги 204, 244, 273-мактабларда битирувчилар оқшомига бағишланган педагогика кенгашларида бўлганимизда шу каби ҳисҳаяжон, кечинмаларнинг гувоҳи бўлдик.

— Мактаб жамият қўрқига айланмоғи даркор, — дейди 244-мактаб директори Фаридахон Жўраева. — Бунинг учун ҳар бир мактаб раҳбарининг келажак дастури бўлиши зарур. Бизда ана шундай дастур мавжуд. Мана бугун 64 нафар битирувчи ўғил-қизлардан 45 нафари кимё, биология, тиббиёт фанларини чуқур ўзлаштирган ҳолда ҳаётга йўлланма олаётир. Биз келажакда бундай ишларни давом эттирамиз. Зотан, иқтидорлилар Ватан истиқболини белгилайди.

— Барча кашфиётлар ичида энг ғўзали яхши тарбия олган инсондир, — дейди Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 273-мактаб директори Мавлуда Исматова. — Жамоамиз ана шу ақида асосида меҳнат қилаётир. Тарбия кўрган инсонлардан маънан етук, комил инсонлар етишиб чиқади. Шу мақсадда лицей-мактабимизда катта ишлар амалга оширилаяпти. Бу йилги битирувчилар лицей-мактабни битираётганларнинг учинчиси. Олдинги битирувчиларнинг 98 фоизи турли олий ўқув юртларида таҳсил кўришаяпти...

Директор гапини бошқа муаллимлар ҳам тасдиқлашди. Лицейда иқтидорли болалар таълимига катта эътибор берилаётир. Бу ерда 27 нафар турли институтларнинг домлалари дарс ўтишади. Танлов ҳам бевосита улар иштирокида бўлади.

Лицейда касб-кор таълими эътиборсиз қолаётгани йўқ. Масалан, бу йилги битирувчилардан 19 нафари тикувчилик касбини мукаммал эгаллашган. Бу эса турмушда асқотади.

— Муаллимларимиз фидойилик билан дарс ўтишди, — дейди 273-мактаб битирувчиси Озодахон Муҳибова. — Биз улардан дунёвий илмлар, ҳаёт сабоқларини олиш қаторида ўқувчилар табассумига шайдоликни ҳам ўргандик. Устоз — улуғ зот эканлигини тан олдик.

Қузатувчанлик асосида юзага келган ҳақиқат бу! Ҳаётга қадам ташлаётган ўқувчининг муаллим заҳматига берган баҳоси бу! Ўқитувчи ҳар йили шундай баҳога сазовор. Зеро, шогирдлик каломи, бир оғиз ширин сўз ила устоз боши осмонга етади. Инсон учун бундан юксакроқ шараф, бахт йўқ!

Ҳа, шу куни шаҳар мактабларидаги ўғил-қизлар мустақил ҳаётга йўлланма — муаллимлари оқ фотиҳасини олишди.

Бугун улар институт ва дорилфунунлар остоналарига қадам қўйишмоқда. Собиқ ўқувчилар олий ўқув юртларида яна бир карра синовдан ўтадилар.

Қўяётган қадамларинг қутлуғ, устозлар дуолари ижобат бўлсин!

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Август кенгашлари олдидан

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

Таълим масканларида ўқув йили ниҳоясига етди. Илмга чанқоқ ёшлар, заҳматкаш муаллимлар бир йиллик узлуксиз меҳнатдан сўнг ёзги таътилга чиқмоқдалар.

Бироқ таълим-тарбия жараёни ташвишлари тўхтагани йўқ. У энди синфхоналардан, амалий машғулотлардан ташкилотчилик фаолиятига кўчмоқда. У энди ўқув йили якунлари ҳақидаги хулосаларда, мустақил мамлакатимиз маорифини янада такомиллаштиришга қаратилган янги-янги ғоялар ва режаларда, изланишларда давом этади.

Август кенгашлари шу маънода илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги ғояларни қўллаб-қувватлаш минбари, ўзига хос маҳорат мактабидир. Шу муносабат билан газетамиз саҳифаларида «Август кенгашлари олдидан» рукни остида мақолалар бериб боришга қарор қилдик. Доимий рукнни УзХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландом Яҳёевна АЛИМОВА бошлаб беради.

Ўзбекистон халқ таълими солномасидан муносиб урин эгаллаган 1994-95 ўқув йили якунланди. Мактаб таълими ўқитувчиларининг илғор тажрибалари, жорий этилган қанчадан-қанча янгиликлар, педагогик тажриба-синов натижалари билан бойиди. Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида эса бу ишлар атрофлича таҳлил этилади. «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишда навбатдаги ўқув йилининг вазифалари, яқин келгусидаги рўёбга чиқариладиган режалар муҳокама қилиниб, фаолият йўналишлари аниқлаштириб олинади.

Август кенгашлари ҳар бир ўқитувчи учун муҳим воқеа бўлиши табиий. Чунки унда ёш авлод камолотининг муҳандислари бўлган муаллимлар янги-янги қимматли манбалар билан қуролланадилар, дунёқарашлари кенгаяди, республика, яқин ва олис чет эл мамлакатлари мактаблари ҳаёти, жамоалари ва айрим педагогларининг ютуқлари билан танишадилар, айни пайтда ўзлари ҳам оммага таниладилар.

Бугунги кунда республикамизнинг ҳар жиҳатдан тўлиқ мустақилликка эришиш йўлидаги барча ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг марказида мактаб турибди. Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида қайд этганидек: «иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади».

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари педагогларимиз олдига бугун ҳаёт қўяётган вазифалар ҳақида кенг ижодий мушоҳада юритишга даъват этади.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизимини босқичма-босқич ва изчил ислоҳ қилиш дастури сифатида жадал амалга оширилиши лозим. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ таянч база, моддий асос ва муҳими, янгиликларни, илғор педагогик ғоялар, шакллар ва усулларни ижодий рўёбга чиқара олишга қодир мутахассислар мавжуд. Беш асосий тамойил усиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда асос бўлиб қолади. Уларнинг амалга оширилишини педагогларимиз ўз фаолиятлари билан тасдиқлашлари зарур.

Жамиятимизга жисмоний соғлом, юксак ахлоқли ва маданиятли, касб тайёргарлигига эга кишилар керак. Шу маънода ўрта умумтаълим мактабини битирган ҳар бир ўғил-қиз ўзининг ҳаётдаги йўлини аниқ тасаввур қилиши, муайян касбий янгиликларни эгаллаган ва меҳнатга тайёр бўлиши, масъулиятни тўлиқ ҳис қилиши, ватанпарварлик туйғуси билан ёниб яшаши лозим.

«...Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

Биз она-Узбекистон истиқболини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор», — деган эди И. А. Каримов Олий Мажлис иккинчи сессиясидаги ўз нутқида.

Маънавият, ахлоқ, маданиятга замин болалар боғчасида, мактабда вужудга келтирилади. Худди шунинг учун ҳам бу тарбия ва билим масканларида ёшликданоқ бўлажак фуқаролар қалбида авлодлар маданий меросини ардоқлашга, миллий анъаналарни билишга, Асосий Қонунимиз — Узбекистон республикасининг Конституцияси ва давлат мадҳиямизга ҳурмат ва муҳаббат туйғулари қарор топиши лозим. «Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин».

Мустақил Узбекистон раҳбарининг бу сўзлари барча педагогик жамоалар фаолиятида амалий мазмун касб этиши ва ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, ўқув-тарбия жараёнининг ташкилотчиси учун ишда йўналиш бўлиб қолиши зарур.

Ўқувчиларда илмий фикр юритиш, илмий тадқиқотлар, тажрибалар, изланишлар билан мулоқотнинг шаклланиши таълим ва тарбия занжирининг ажралмас, таркибий бўғинидир. Худди шунинг учун ҳам улар олдида халқ хўжалигининг энг замонавий тармоқларида ишлаш, энг замонавий усулларда бошқариш, энг замонавий технологияларни билиш ва қўллай олиш вазифаси турибди. Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз қайд этганидек, «Мактаб — ўрта — олий таълим — илмий тадқиқот институтлари» шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориб, фан-техника тараққиётининг устивор йўналиши бўйича илмий таълим мажмуини вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда бу борада тажрибалар мавжуд. Бироқ бу тажрибалар ҳали жуда оз, эндигина парвозга шайланаяпти. Шу боисдан бу ишда жасорат, қатъиятлилик, мақсад сари дадил интилиш зарур.

Ўқитувчиларнинг туман, шаҳар, вилоят, республика август кенгашлари дастуридан иқтидорли болалар, қобилиятли болалар, қобилиятли ёшлар билан иш олиб бориш масалалари муносиб ўрин олиши лозим. Ҳолбуки худди шу ёшлар жамиятимизнинг ақлий таянчидир. Ўйлаймизки, педагогларнинг навбатдаги август йиғинларида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчилар билан ишлашдаги Ватанимиз ва чет элларда мавжуд тажрибалар кенг таҳлил этилиб, оммалаштириш тадбирлари белгиланади. Шунингдек, янги типдаги ўқув юртлари — гимназиялар, лицейлар, коллежлар, мактаб-комплекслар иш тажрибалари ҳам йиғилиш кун тартибининг энг муҳим мавзуларидан бўлади. Ўтган бир йил давомида қўпгина бундай ўқув масканлари, Тошкентдаги 166-иқтисод-математика лицейи, 50-мактаб-гимназия, Қорақалпоғистондаги «Прогресс» («Тараққиёт») тил маркази ва бошқаларнинг тажрибалари ўрганилди. Бу тажрибалар педагогик матбуот саҳифаларида ёритилди, Узбекистон Халқ таълими вазирлиги Ҳайъати йиғилишларида маъқулланиб, оммалаштиришга тавсия этилди. Август кенгашларида бу масала ҳам кенг таҳлил этилиши лозим.

Халқ таълимини ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бошқарув ишларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишдир. Бу ҳақда август йиғинларида жиддий фикр юритилиши, мавжуд аҳвол батафсил таҳлил этилиб, холисона хулосалар ва аниқ таклифлар айтилиши лозим. Бу ўринда Халқ таълими вазирлиги раҳбарлигида бундан икки йил муқаддам бошланган педагогик диагностика якунларини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бошқарувнинг ҳар бир бўғинида — мактаблар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармаларида олдиндан халқ таълими барча соҳаларини синчковлик билан кўриб чиқиш керак. Бунда мактаб қурилишлари бўйича режалар ва бажарилишидан тортиб, уларни ишга тушириш ва мактабларни тўлиқ таъмирлашгача, синфларни комплектлашдан тортиб фанларни ўқитиш ва олимпиадалар натижаларигача, ўқувчилар слётларидан тортиб ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва касбий малакаси даражасини оширишгача — ҳамма-ҳаммаси таҳлил қилиниши лозим.

Утган давр мобайнида Халқ таълими вазирлиги мазкур масалани бир неча бор қараб чиқди. Вазирлик ходимлари Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Андижон ва Сурхондарёда бошқарувнинг турли даражадаги тажрибаларини ўргандилар. Жумладан, Андижонда вилоят халқ таълими бошқармаси кечки мактаблар базасида усталар мактабларини ташкил этди. Бўлажак ишлаб чиқариш усталарига заводларнинг энг маҳоратли мутахассислари ва усталари бириктирилди, улар ёшларга ўз касбларидан таълим бердилар.

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасининг меҳнат тарбиясини ташкил этиш ва мактабларда ўз маблағлари ҳисобига бу ишни ташкил этиш бўйича тажрибалари маъқулланди.

Август кенгашларида ана шу тажрибалар ҳақидаги материаллар билан ўқитувчиларни таништириш, шубҳасиз, фойдали бўлади.

Мактабларда иқтисод, экология ва ҳуқуқий билимларни ўқитишга доир муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ҳам ниҳоятда зарур. Республикамизда кўплаб педагогик жамоалар бу йўналишларда изчил шуғулланмоқдалар ва муайян ютуқларга эришмоқдалар. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан тузилган ва унинг доимий назоратида бўлган Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги узлуксиз иқтисодий таълим бўйича тажриба майдони ёки юқорида қайд этиб ўтилган 166-мактаб-лицей ҳам шулар жумласидандир.

Август кенгашлари муҳокамасидаги яна бир муҳим мавзулардан бири — бу 9-синфларда ўқув йилининг якунларидир. 9-синф — мактаб ҳаётининг тугалловчи марраси. Энди у ихтисос танлаш босқичига кўтарилиши лозим. Бу мавзуга 10—11-(ихтисосий) синфларда таълим муаммолари, битирувчиларни ишга жойлаштириш ва ишлаб чиқариш жамоалари, жамоат ва давлат ташкилотлари билан шартномалар тузиш амалиёти каби масалалар тааллуқлидир. Шу боисдан биз август кенгашларига соғлиқни сақлаш, жамоатчилик фондлари, ҳуқуқий бошқарув идоралари вакилларини, ишбилармонлар, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ходимларини, давлат ва хусусий корхоналар раҳбарларини таклиф этишни ҳамда улар билан биргаликда юқори синф ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, ўқишни давом эттирмайдиган ёки қандайдир сабабларга кўра олий ўқув юртларига киролмаган битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этамиз.

Муҳими, август кенгашлари ташкилотчилари илгариги дабдабабозликдан, расмиятчиликдан қочишлари, кенгашлар фаолиятини амалий ишлар ўзанига йўналтиришлари зарур. Бизнингча, кенгашларни босқичма-босқич, яъни дастлаб вилоят, кейин шаҳар, туман ва сўнг мактаб миқёсида ўтказиш кўпроқ самара беради. Шу билан бир қаторда ўқитувчиларнинг фанлар бўйича шўъбалардаги машғулотлари дастурларини ва ялпи йиғилишлар кун тартибини пухта ишлаб белгилаш лозим.

Кенгашларда халқ таълими бўлимлари мудирларининг, барча даражадаги ҳокимиятларнинг, «Соғлом авлод учун» комплекси дастурини амалга ошириш бўйича жамоатчилик ташкилотчи вакилларининг ҳисоботлари эшитилади.

Шўъбалар машғулотлари мавзулари эса туман услубхоналари, шаҳар ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари томонидан белгиланади. Республика илмий-амалий маркази шўъбалар машғулотлари мавзуларини белгилаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишни жадаллаштирмоқда. Ўйлаймизки, бу тавсияларда янги ўқув йили режалари ва дастурларини қандай тузиш, фанлар олимпиадалари якунларини чиқариш, синфдан-синфга кўчириш ва битирув имтиҳонларини ўтказиш, таркибий қисмлар таҳлилини адо этиш методикаси (яъни фанларни ўқитишда типик хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш) каби муҳокама қилинадиган мақсадларни кўрсатиб бериш ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, фикримизча, «Йил ўқитувчиси» танловининг ғолиблари бўлган ўқитувчиларга ҳам сўз бериш ниҳоятда фойдали бўлади. Шўъбалар йиғилишларида билимни синашнинг тест усули, унинг методикаси ва ташкил этиб ўтказилиши, ўқувчиларни бу жараёнга тайёрлаш хусусида алоҳида баҳс юритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Август кенгашларига умумий ўйимиз — Туркистондаги қардош республикалардан вакиллар таклиф қилинишини ҳам маслаҳат берамиз. Чунки республикамизда ўқиш қозоқ, туркман, тожик, қирғиз тилларида олиб борилади-ган мактаблар мавжуд. Тошкент билан Чимкент, Андижон билан Уш, Самарқанд билан Ленинобод, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси билан Тошҳовуз вилоятларининг педагоглари ўртасида дўстлик ва ишда ҳамкорлик алоқалари қарор топган. Бу ажойиб ҳамдўстликда эришилган умумий ютуқларни, тажрибаларни ҳар бир педагогик жамоага етказиш зарур.

Ишонамизки, бу йилги август кенгашлари ўқитувчиларни, халқ таълими раҳбарлари ва ташкилотчиларини энг яхши манбалар билан бойитади, назарий ва амалий тажрибалар билан қуроллантиради, уларга умумий ишимиз — ўсиб келаётган ёш авлодга тарбия ва таълим бериш ишида катта ёрдам беради.

Гуландом АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармасининг бошлиғи.

ФИДОЙИЛИК БУ — МАСЪУЛИЯТ

Ёш авлодни билимдон, зукко, имон-эътиқодни ҳар нарсадан устивор қўювчи, Ватан ва халқига сажда қилувчи, меҳнатсевар, тадбиркор инсонлар бўлиб шаклланишида мактаб таълими асосий роль ўйнайди. Таълимнинг бош ижрочиси — ўқитувчи эса мурғак қалбни ўн бир йил давомида ниҳол сингари тарбия қилади. Кўз нурини, қалб қўрини беради. Таъбир жоиз бўлса, елкасига машаққатли бир юкни ортиб, уни катта ҳаёт йўлига олиб чиқади. У мураббийликни касб сифатида эмас, виждон амри деб бажаради. Бундай фидойи ўқитувчиларни, раҳбарларни республикамизда минглаб учратиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг «Иш билганга эл эргашар» мақоласида ҳам бу масалалар атрофлича баён этилган. Менимча, мақола ҳар бир педагогик жамоага, мактаб раҳбарларига йўлланма ва қўлланмадир. Ўзига хос бир «бурилишлар» ясаш янги типдаги мактаблар андозасини яратиш педагогик жамоалар, илғор, тажрибали ўқитувчилар, тадбиркор раҳбарлар қўлидадир.

Мақолада мактабнинг ҳар томонлама фаолиятини таъминлашда директор бош фигура деб кўрсатилади. Агар оила бошлиғи тадбиркор, тажрибали ва билимдон бўлса, рўзғорда қийинчиликлар сезилмайди. Директор ҳам мактабнинг отасидир.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириб бормоқда. Ҳар бир соҳада ҳам бу нарса ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатяпти. Биз фикр юритмоқчи бўлган XXI аср бўсағасидаги янгича талаб, янгича шароит асосида қурилаётган мактабнинг иқтисодий базаси ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Бундай базани яратиш эса мактаб раҳбаридан ишбилармон, тежамкор ва уддабурон бўлишни талаб этади.

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 24-ўрта мактаб директори Комил Ашуров ҳам ана шундай раҳбарлардан. 1992 йилда мактаб замонавий типда қурилган янги бино-

XXI аср мактаби

га кўчиб ўтди. Сир эмаски, ўша йилларда республикамизда бир талай муҳим ўзгаришлар бўлиб, бу нарса давлат таъминотида муаммоларни юзага келтирди. Мактабни жиҳозлаш маблағ важидан орқага сурилди. Директор эса қараб ўтирмасдан, янги мактабнинг экин майдонларини ижарага қўйди. Бу билан директор, биринчидан, экишга тайёр бўлмаган ерларни ортиқча харажатсиз ўзлаштиришга эришди, иккинчидан эса мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлаб олди. Ана шу база ҳисобига ишлар юришиб кетди. Мактабнинг катта бир қисми мевазор боғ қилинди, 3 минг туп терак кўчати экилди. Гилам тўқиш цехи, аҳолига сотиш учун уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ясайдиган устахона ташкил қилинди. Қийинчиликлар билан юзага келган бу устахона ва цехларнинг даромади эвазига мактаб қисқа вақт ичида тўлиқ жиҳозланди, албатта, лингафон, компьютер, телевизор ва бошқа турли хилдаги техника воситалари учун давлат таъминотидан катта маблағ ажратилган. Аммо уларни ўрнатиш ҳам яна маблағ талаб қилади. Мактабнинг даромад тармоқлари сони бугунга келиб анча кенгайган

Жамоанинг ҳар бир аъзоси мустақил иш юритиш услубига эга. Бу, албатта, ҳар ким кўнглига келганини қилади дегани эмас. Бу буйруқбозлик, раҳбарга тобеликдан ўзини сақлашдир.

Дейлик, ўқитувчи ўқувчилар билан қўшимча дарс ўтмоқчи. Ўқувчилар билан келишган ҳолда дарс бошланишидан бир соат олдин (7—8.30) ёки консультацияларни шароитига қараб дам олиш кунига, кечки соат 5—6 ларга белгилаши мумкин. Яна бир мисол. Мактаб ихтиёридаги тракторни колхоз ҳадеганда ёқилғи билан таъминлай олмайди. Ўқитувчи амалий машғулотларни биронта бригадир билан шартнома тузиб, техника ёрдамида бригада даласида ўтказаверади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мактабнинг асосий вазифаси ҳар қандай давр ва шароитда ҳам ўғил-қизларга таълим ва тарбия беришдир. Шундай экан, биз юқорида келтириб ўтган тадбиркорликлар ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгандир. Янги типдаги мактабни яратишда директор кўпчиликнинг фикрига таяниши керак. К. Ашуровнинг муваффақияти ҳам шундаки, педагогик жамоа соғлом муҳитга эга, ота-оналар билан мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу эса камчиликларни, муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш имконини беради.

Умуман, янги типдаги мактабни яратиш, эртанги давр кишисини тарбиялашда, энг аввало, баҳамжиҳатлик зарур. Бугунги давр шароити ўқитувчидан, мактаб раҳбаридан катта бир фидойиликни талаб этади. Ўзини шу соҳага бағишлаган киши бу масъулиятни чуқур ҳис этиши шарт.

Зебинисо УСМОНОВА,
Навоий номидаги Адабиёт институти аспиранти.

ДАРСЛИККА КИРГАНЛАР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳиби Ўткир Ҳошимов «Баҳор қайтмайди», Қалбингга кулоқ сол», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Икки карра икки беш», «Тушда кечган умрлар» сингари асарлари билан китобхонлар меҳрини қозонган. Шу боис янгидан тузилган адабиёт дастур ва режалардан истеъдодли ёзувчининг бир нечта асарлари ўрин олган. Ҳозирда ўрта мактабларнинг 5-синф ўқувчилари «Дунёнинг ишлари» қиссасидан айрим ҳикояларни ўрганмоқдалар. 6-синф ўқувчилари эса «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясини қаяжон билан ўқимоқдалар. Ёзувчининг бошқа асарлари эса юқори синф ўқувчилари қўлидан тушмайди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ёзувчига берадиган саволлари чексиз. Албатта, муаллимлар қўлларидан келганча ёзувчи ижодининг олмос қирралари билан ўқувчиларни таништириб бормоқдалар. Аммо ёзувчининг суҳбатидан баҳраманд бўлмоқ, мураббий учун ҳам ўқувчи учун ҳам мароқли кечади. Шуларни эътиборга олиб, сиз азизларни дилкаш суҳбатга таклиф этамиз.

Ўткир ХОШИМОВ

КЎНГИЛЛАРДА МАЪРИФАТ ЧИРОҒИ ЁНСА...

— Ўткир ака, аввало босиб ўтган ҳаёт йўлингиз ҳақида ўзингиздан эшитсак деган эдим.

— Мен 1941 йил 5 августа Тошкент яқинидаги Думбиробод қишлоғида оддий ишчи оиласида туғилган эканман. Думбиробод жуда гўзал, машҳур жойлардан бири бўлган. Агар ёдингизда бўлса, устоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» номли ҳикоясида Думбиробод манзаралари тасвирланган. Қишлоғимиз жуда гўзал, боғ-роғларга тўлиқ жойлар эди. Бу жойлар 60-йиллардан кейин шаҳарга қўшиб олинган.

Оиламиз оддий ишчи рўзғори бўлган. Отам деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Онам «Дунёнинг ишлари» асарида тасвирлангандек, оддий фаррош бўлганлар. Оилада 5 фарзанд бўлганмиз. Урта мактабни битиргач, Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирганман. Шароит тақозоси билан ўқиш даврида ишлашга тўғри келган. Ўша пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида хат ташувчи, корректор ёрдамчиси бўлиб ишлаганман. Сўнгра «Тошкент ҳақиқати» газетасида адабий ходим бўлиб хизмат қилганман. Ўқишни битиргач, «Тошкент оқшоми» газетасида 17 йил давомида бўлим мудири бўлиб ишладим. Сўнгра Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётига бош муҳаррир ўринбосари вазифасига ўтказишди. Кейинги 10 йилдан буён «Шарқ юлдузи» ойномасида бош муҳаррир бўлиб хизмат қиляпман. Олий мажлис депутатиман. Матбуот ва ахборот қўмитасига раисман.

Ҳозиргача турли тилларда 40 дан ортиқ китобларим чиқди. Шулардан баъзилари мактаб дарсликларига киритилганидан, ўқувчиларга маънавий завқ бераётганидан жуда мамнунман. Агар шу асарлар ўқитувчини, ўқувчини бир оз бўлса-да қаяжонга солса, ҳаётнинг мушкул томонларини ўрганишга даъват этса, демак мен бунга ҳурсанд бўлишим керак.

— «Дунёнинг ишлари» қиссангиз 33 та катта-кичик мустақил новелла— ҳикоялардан ташкил топган. Айни пайтда, қиссадаги ҳикояларни ҳамиша биз учун мўътабар ва ардоқли бўлган она сиймоси бирлаштириб туради. Шулардан учтаси — «Гилам пайпоқ», «Олтин балдоқ», «Урис боланинг ойиси» номли ҳикояларингиз 5-синфларда ўқитиляпти. Ана шу ҳикояларда илгари сурилган ғоялар, уларнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Чиндан ҳам «Дунёнинг ишлари» номли қисса бир нечта катта-кичик ҳикоялардан ташкил топган. Асарнинг қурилмаси ўзига хос бўлиб, барча ҳикояларни она сиймоси боғлаб туради. Чунки, асардаги воқеаларнинг бир учи, қайси бир жиҳати билан худо раҳмат қилгур мўътабар онамга бориб тақалади.

«Гилам пайпоқ», «Олтин балдоқ», «Урис боланинг ойиси» ҳикоялари ўша даврни акс эттирувчи асарлар бўлса керак, деб ўйлайман. «Гилам паймоқ»да фарзандининг она ёки ота-она олдидаги узиб бўлмас қарзи, оналаримизга кўпинча эътиборсизлигимиз, баъзан уларни ғазиматсиз нарса билан ҳам ҳурсанд қила билмаслигимиз ҳақида гап боради.

«Олтин балдоқ»да онани ниҳоятда тадбиркорлиги, ақллилиги, ўзининг қалбида қолган ярани тузатиш учун, ўзи беихтиёр билмаган ҳолда қўшнисига тўҳматчи бўлиб қолганини оқлаш учун, унинг кўнглига таскин бериш учун ҳамма нарсага тайёр бўлганлигини тасвирлашга ҳаракат қилганман.

«Урис боланинг ойиси» халқимизнинг ниҳоятда ҳам содда, ҳам бағри кенглигини кўрсатадиган ҳикоя. Уруш йилларида минглаб етим болалар мамлакатимизга олиб келинган. Халқимиз бир бурда нонини турли чеккалардан келганлар билан баҳам кўрган. Лекин гап бу ерда жой ёки уйнинг тўрини беришда эмас. Бизнинг халқимиз четдан келган одамларга жуда катта меҳр ҳам берган. Бировнинг фарзандини бағрига босган, ўз боласидек кўрган ва бунга бир умр содиқ қолган.

Балки, бу асарлар бадиий жиҳатдан олиб қараганда, турлича бўлиши мумкин. Лекин бу ҳикоялар орқали халқимизнинг жўмардлигини, бағри кенглигини тасвирлашга интилганман.

—»Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоянгиз 6-синф ўзбек адабиёти дарслик— мажмуасига киритилган. Ҳикояда урушга бўлган нафрат бир оддий ўзбек оиласи мисолида маҳорат билан тасвирланган. Сиз уруш кўрмаган, лекин уруш даврида туғилган ўзбек фарзандисиз. Айтингчи, ҳикоя қаҳрамонлари тарихийми ёки бадиий тўқима сиймолармми, умуман, ҳикоя ҳақида ҳеч қаерда ёзилмаган ва айтилмаган гапларни ўзингиздан эшитсак.

— «Урушнинг сўнгги қурбони» ўзимга энг маъқул ҳикоямдир биттаси. Асарда чиндан ҳам урушга бормаган, лекин урушнинг қурбони бўлган одамлар қақида ҳикоя қилинади. Билмадим, бу уруш деганни сиёсатчилар ёки ҳарбийлар бошлар, бироқ унинг азобини оддий халқ тортади. «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»га ёзиб қўйганман: «Урушда ғолиб подшо бўлиши мумкин. Урушда ғолиб мамлакат бўлиши мумкин. Урушда ғолиб тузум бўлиши мумкин. Лекин урушда ғолиб одам бўлмайди. Чунки, уруш одамни одам ўлдиришга мажбур қилади. Урушнинг энг катта фалокатлиги ҳам ана шунда».

Тўғри, мен урушга борган эмасман, уруш кўрмаганман, аммо машқларимнинг кўпида бу мавзуда гап боради. Масалан, «Икки эшик ораси» романим уруш ҳақида. Асар нашр этилгач, наманганлик уруш қатнашчиси ва ногирон Ҳасан ака Абдуллаев менга хат ёзган эди: «Мен сизни урушга бормаганингизга ишонмайман. Сиз уруш кўрган бўлсангиз керак, гарчи ёш бўлсангиз ҳам. Чунки асарда тасвирланган воқеалар худди ўзимни бошимдан ўтгандек...»

Буни мен мақтаниб айтаётганим йўқ, фақат ижодкор нима ҳақида ёзмасин, уни чуқур юракдан ҳис этиши керак. Ёки бўлмаса, мана кейинги «Тушда кечган умрлар» романи ҳам уруш ҳақида, афғон уруши ҳақида. Танқидчилар бу романни уруш ҳақидаги янгича бир асар, деб баҳолашди. Буни мақтанишга йўйманг-ку, менимча бу тўғри фикр. Чунки, бу асарда урушнинг яхшиси бўлмайди, деган ғоя етибди.

Бундан ташқари асарда учта нуқта бор: инсон, уруш, ўлим. Ўлим олдида одам ўзини қандай тутади, уруш кўрган одамнинг ўзи қандай бўлади, гап мана шу ҳақда боради. Асар қаҳрамони Рустам афғон урушидан қайтиб келганидан сўнг, бир умр урушни юкини орқалаб юради. Мени бу гапимга афғон урушида бўлган йигитлар ишонишади, деб ўйлайман. Чунки, калласи узилиб, суяклари майдаланиб кетган ёки автомат ўқидан бош суяги ёрилиб, миясининг қатиги отилиб кетган одамларни кўрганлар қандайдир изтиробда яшайдилар.

Дарҳақиқат, уруш ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Лекин урушнинг жирканч томонлари четлаб ўтилган. Айниқса, шўро даврида ёзилган уруш ҳақидаги асарларда ростдан кўра ёлғон кўп. Урушни ўз кўзи билан кўрган ижодкорлар ҳам, мен бу ўринда уларга таъна қилмоқчи эмасман, ўша социалистик реализм ғоясига бўйсиниб ёлғон ёзишган.

Уруш кўрган одам урушнинг даҳшатини, онасини, оиласини соғиниш ҳиссини ўзида кучли туяди. Уруш одамнинг руҳини умрбод майиб қилиб қўяди. Менинг икки тоғам урушда бўлган. Улардан уруш ҳақида тапириб беришларини сўраганимда: «Қўй болам, шуни мендан сўрамагин»,— дейишарди. Менимча, уруш ҳақидаги энг тўғри гапни шулар айтишган. Яъни, улар ўша қиналган эслашни, яраларини тирнашни хоҳлашмайди. Афғон урушида бўлганлар эса инчунун, чунки улар Ватанини ҳимоя қилишган эмас, бировнинг Ватанига бостириб боришган. Бироқ бунинг учун уларни айблаш керак эмас. Бунинг учун генералларни, маршалларни, ўша Л. И. Брежнев бошчилигидаги сиёсатчиларни қоралаш керак.

Бунинг устига кўплаб йигитларимиз урушдан ҳам руҳан, ҳам жисмонан мажруҳ бўлиб келишган. Уларнинг ичида фарзанд кўролмайдиганлари ҳам оз эмас. Ана шуниси, айниқса, даҳшатли. Асар қаҳрамони Рустамнинг ҳолати шу жиҳатдан олиб қараганда, тиниқ тасвирлангандек кўринади.

Бевосита, «урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси ҳақида гапирадиган бўлсам, асар ва унинг қаҳрамонлари бадиий тўқима. Лекин, Л.Н.Толстойнинг бир гапи бор: «Ҳамма ёзувчилар ёлғон гапиради, лекин қандай алдашига қараб, унинг истеъдодига баҳо берилади». Алломалардан яна бири айтган: «Қаҳрамонинг бир бочка сув ичсин, лекин мен шунга ишонай». Ҳамма гап шунда, яъни қандай қилиб ўқувчини ишонтира олишда. Айтмоқчиманки, бевосита асарда тасвирланган воқеа бизнинг қўшнимизникида ёки қишлоғимизда содир бўлган эмас. Аммо шу воқеанинг бўлганлигига китобхон ишонади. Демак, асар тўғри ёзилган, деб ўйлайман.

— Энди ҳозирги кунда олиб борилаётган таълим-тарбия борасидаги, айтайлик, давр, оила ва мактаб ҳусусидаги пахсий кузатиш ҳамда фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ҳозирги кунда олиб борилаётган таълим-тарбия борасидаги муаммолар оз эмас. Энг катта муаммолардан бири, бозор иқтисоди туфайли тадбиркорлик билан чайқовчилик ўртасидаги фарқнинг йўқолиб кетганлигида кўринади. Масалан, Ўзбекистонда йўқ нарсани четдан олиб келинса, уйдаги бўйрадек ерда қўкатлар етиштириб, мол боқиб, суйиб гўштини, борингки, хонадонда овқат тайёрлаб, қўчага олиб чиқиб сотилса — буни тадбиркорлик дейилади. Лекин бозордаги нарсани бир қадам беридан олиб, икки қадам нарида сотилса — буни отини чайқовчилик деб аташ керак. Бу чайқовчиликка қарши бари-бир эртами-кечми кураш бошланади.

Бу гапни айтаётганим бежиз эмас. Кўпчилик, айниқса, мактаб ёшидаги болалар ўзича «тадбиркор» бўлиб кетишган. Ўқиш билан ҳам ишлари йўқ. Ҳар куни бозорга борсалар, ҳар куни қанчадир пул топсалар?! Қизиғи шундаки, бу ҳолдан улар ҳурсанд. Бунга ота-оналар ҳам ҳурсанд: «Мана, болам 12 ёшда бола туриб, ёнимга кириб қолди»,— дейишмоқда.

Чет элда тадбиркорлик бундай бўлмайди. У ердаги миллиардерлар ҳам, ҳатто боласини иш ўргансин, деган мақсадда пол ювишга, идиш тозалашга ёшликдан мажбур қилади. Бизда эса болаларимиз жиндек ёнига пул тушиши билан ўқишдан совиб кетиш ҳоллари кўпаймоқда.

Эртага, XXI асрда бизга бир нарсани олиб, икки ҳисса пулга сотадиганлар керак эмас. Эртага бизга кибернетиклар, иқтисодчилар юристлар, шоирлар, учувчилар, ҳарбий генераллар керак. Хуллас қайсидир соҳани мукаммал биладиган мутахассислар керак. Бунинг учун фақат ўқиш керак! Бу гапим одамларга, баъзи бир ўқувчиларга ёқадими, йўқми, ота-оналар бизнинг ишга аралашманг, дейдими — бу билан менинг ишим йўқ. Мен бари-бир виждонимдаги бор гапни айтдим.

Афсуски, ўқитувчилар орасида ҳам, ҳозир дарсини бир оз йиғиштириб қўйиб, бориб жвачка сотиб оладиган ёки жиндек пул ишлашга ҳаракат қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Мен бунга тушунаман. Балки, олаётган маошлари етмаётгандир? Бироқ, шуниси қизиқки, мактаб соҳасида 20-30 йил ишлаётганлар бу каби ишлардан ўзларини тияди, аммо ёш ўқитувчилар «тадбиркор»ликка, чайқовчиликка уриб кетмасликдан ўзларини тия олишмаяпти. Мен бир ёқлама фикр юритиб, уларни камситмоқчи эмасман, бундан ўзимни тияман. Лекин, ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси яхши ўқувчиларни тарбиялаш. Яхши мутахассис ва комил инсонларни тарбиялаб етиштиришдир!

— Сир бўлмаса қандай янги асарлар устида ишлаётганингиз ҳусусида муаллимларни хабардор этсангиз.

— Афсуски, ҳозирги пайтда янги бир асарни ёзишнинг ўзи қийин бўляпти. Вақт кам, ўзига яраша ишлар жуда кўп. Балки, бу бир баҳонадир, эҳтимол янги асар ёзишга вақт ажратиш лозимдир. Биласиз, ижоднинг ўзини психологияси бўлади. Ижодкор қандайдир руҳий осойишталик ҳис қилиши, қалбида бир мувозанат бўлиши керак. Бундан ташқари асар ёзишга, ўша асар хомашёсини ўзи мажбур этиб, ёзувчини хонтахта олдига олиб келиб, ўтқазиб қўйиши шарт. Бу ҳолатни илҳом дейдилар. Илҳомни эса чақириб олиш қийинроқ кечади...

Шунга қарамасдан баъзи бир ишлар ҳақида гапиришим мумкин. Яқинда «Тўйлар муборак» номли китобим чоп этилди. Унга янги ҳажвий ҳикоялар ва «Тўйлар муборак» номли комедия киритилди. Бундан ташқари, «Шарқ» нашриёт—матбаа концерни «Тушда кечган умрлар» романимни ва бир қанча янги ҳикояларни кўп минг нусхада нашр этди.

— Ўткир ака, охирги анъанавий савол: мураббийларга тилакларингиз...

— Республикамизда жуда мураккаб ва мўқаддас касбни бажараётган ўқитувчиларга, мураббийларга чин дилдан омад тилагим келади. Ҳамиша саломат бўлишсин!

Суҳбатдош:
Баҳодир ВАЛИЕВ.



Кўз қорачиғлари ҳайратга тўла, кўнгиллари илм ўрганмоққа мойил ёшлар — Ватан келажагини яратувчилардир. Айни кунларда уларнинг аксарияти олий ва ўрта махсус билим юртлари бўсағаларидан минг бир ҳаяжон, минг бир орзулар оғушида ҳатлашмоқда. Институтлар қошидаги тайёрлов курсларида зўр иштиёқ билан кириш имтиҳонларига тараддуд кўришмоқда.

Сиз кўриб турган суратдаги ёшлар ҳам Низомий номли Тошкент педагогика институти қошидаги тайёрлов курсининг тингловчиларидир. Бу ердаги ҳар бир қизиқарли машғулот уларнинг билим доирасини кенгайтирмоқда.

Суратларда: (чапда) сабоқларни астойдил тинглаётган ўспиринлар, (ўнгда) умумий тилшунослик кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Саодат Султонсаидова тингловчи Муножат Илҳомова билан қизиқарли машғулот олиб бораяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Олий ўқув юртларида

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИНЛАР

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида битирувчилар тантанаси бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев қатнашиб, битирувчиларни улкан байрам билан қизғин табриклади.

Педагоглик машаққатли, бироқ шарафли касб. Унинг нозик жиҳатларини ўзлаштириб олиш осон бўлмайди, албатта. Лекин институт ўқитувчиларининг қунт ва сабот билан берган сабоқлари, талабаларнинг тиришқоқлиги ва илмга чинқоқлиги барча қийинчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашаяпти.

Тошкент давлат педагогика институтининг ректори Б. Қодировнинг, математика факультети декани М. Мадримов ва бошқа кўпгина ўқитувчи ва талабаларнинг сўзида худди шу мазмун ўз аксини топди.

Тантанали йиғинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти битирувчи курс талабаларининг барча педагогика институтлари ва университетларнинг битирувчиларига мурожаати қабул қилинди. Мурожаатда ёшларни Ватаннинг буюк келажагини яратишда, жонажон Ўзбекистонни жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқиш йўлида ҳормай-толмай ўқишга, ишлашга, курашига даъват этилади.

Ўз мухбиримиз.

***

Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри биносида Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти ҳам ўзининг бешинчи битирувчиларини учирма қилиш ва «Ўзбекистон врачининг қасамёди»ни қабул қилиш маросимини ўтказди.

Тантанали маросимни институт ректори, профессор Ҳамид Каримов очиб, шифокорларга ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди. Сўнг аълочи талабаларга имтиёзли дипломлар топширилди.

Сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар битирувчи талабаларни врач қасамёдига содиқ қолишга чақирдилар. Битирувчилар эса олти йил мобайнида илм дурдоналаридан баҳраманд этганликлари учун ўз устозларига миннатдорчилик билдиришди. Тантанали маросим «Ўзбекистон врачининг қасамёди»ни қабул қилиш Давлат Гимни садолари остида ниҳоясига етди. Театр фойесида «Шофайз» гуруҳининг шўх қўшиқлари жаранглади.

Ш. ТЎЛАГАНОВ.

Муаллим қаерда дам олади?

ЎЗЛАРИ ҲАМ ЎЙЛАШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи Убайдулла КАМОЛОВ билан суҳбат.

— Убайдулла ака, ўқитувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш қандай бораяпти?

—Биз бу ишни йил бошидаёқ бошлагандик. Яъни, ЎзРХТВ тасарруфидаги ўқув масканларида меҳнат қилаётган 531 минг 302 нафар педагогик ходимлардан 131 минг 346 нафари 1995 йилнинг январидан сентябрь ойига қадар турли соғломлаштириш ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариши режалаштирилган эди. Шу жумладан, санаторий ва курортларга 7096 та, санаторий-профилакторийларга 8497 та, Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошидаги санаторий-профилакторийларга 8737 та, дам олиш уйлари ва оромгоҳларга 14 минг 278 та, ҳамда сайёҳлик оромгоҳларига 92 минг 741 та йўлланмалар ажратилганди. Ҳозир бу ишлар, (таътил боис) айниқса, қизғин кечмоқда.

Шунингдек, педагок ходимларни жамоа ва оилавий тартибда қисқа муддатли саёҳатларга олиб бориш ҳам режа асосида давом этаяпти.

— Йўлланмалар нархи ўқитувчиларга қимматлик қилмаяптими? —

Масаланинг бу жиҳатини ҳам ўйлаб чиққанмиз. Айтиб ўтиш жоизки, санаторий-профилакторийлар ва курортларга бораётган ўқитувчилар йўлланма нархининг 10 фоизини тўлашади. Бундан ташқари, ҳар 5 нафар ўқитувчидан биттасига бепул йўлланма берилади. Албатта бунда кўп болали ва кам таъминланган ўқитувчиларга эътибор қаратилади. Йўлланма нархининг асосий қисми жойлардаги халқ таълими бўлимлари, касаба уюшмаси қўмиталари ҳамда ҳомий ва оталиқ ташкилотлар томонидан тўланади.

— Уй ишлари билан банд бўлиб дам олишга боролмайдиган ўқитувчилар анчагина. Уларга ҳам бирор енгиллик яратиб бериш кўзда тутилганми?

— Энди, ўқитувчилар ўзлариям ўйлашлари керак-да. Одам дунёга фақат иш — ташвиш учун келмайди-ку! Бундай ўқитувчилар ўзларига яқин оромгоҳларда бир кунми, икки кун бўлсаям дам олиб қайтишга имкон топса бўлади, менимча. (Кўп жойларда бу тадбир мактаблар ва оталиқ ташкилотлар томонидан йўлга қўйилаётгани қувончли). Ҳар ҳолда кўнгилли дам олишни ҳам унутмаган одамнинг турмушида ҳаловат, ишида унум ҳам бўлади, деб ўйлайман.

И. БЎРИБОЕВ суҳбатлашди.

Олтин ёз

КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Бағдод тумани марказидан дон маҳсулотлари тайёрлаш комбинати ёхуд пахта тозалаш заводи томон йўлга чиқсангиз, истаган манзилингизга бир чақиримча масофа қолганда ўнг томонингизда, бетон ариқ ёқасида атрофи минглаб мирзатераклар, турли мевали-манзарали дарахтлар билан ям-яшил либосга бурканган сўлим илм маскани диққатингизни тортади. Отхона, Кенагас, Қўрғонча қишлоқлари меҳнаткашларининг 500 дан зиёд фарзанди таълим-тарбия олаётган бу маскан Усмон Носир номидаги 43-ўрта мактабдир.

Мен яқинда ана шу мактабда бўлиб, илм масканида жорий таъмирлаш — янги 1995-96 ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин кетаётганлигини кўриб хурсанд бўлдим. Мактаб директори Аъзамжон Эҳсоновни ўғил-қизлар учун қурилаётган сузиш ҳавзасида, иш устида учратдим.

— Ҳозирги замонда ким бизга ёрдам берар экан, деб қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас, — деди у биз билан суҳбатда. — Яқинимиздаги дон маҳсулотлари корхонасининг ёрдамида мактабимиз қошида тикувчилик устахонаси очиб ишчилар учун коржомалар, ўқувчилар учун спорт формалари тикиб сотиляпти, айни чоқда тикувчи шогирдлар тайёрлаяпмиз. Яқинда вело-мото устахонаси очдик. Икки ҳафта муқаддам «Вулканизация»ни ишга туширдик. Туман мебель фабрикаси билан ҳамкорликда ёғочтахта чиқитларидан мебель ишлаб чиқаришни, туман пойабзал фабрикаси билан ҳамкорликда чарм чиқитларидан болалар учун пойабзал ишлаб чиқаришни яқин кунларда йўлга қўямиз. Бунинг учун имкониятимиз етарли, мутахассисларимиз тайёр.

Мактаб қошида фото ҳаваскорлари тўгараги ишлаб турибди. Ўқувчи-ўқитувчилар учун хизмат қиладиган сартарошхона очиб қўйганмиз. Даромад эвазига баъзи тадбирларни амалга ошираяпмиз.

Мактабимиз қошида 45 ўринли болалар боғчаси мавжуд, унга ҳам имкон даражасида ёрдам беряпмиз. Мен бу ўринда бизга оталиқ ёрдамини кўрсатиб келаётган дон маҳсулотлари комбинати, пахта тозалаш заводи раҳбарияти, Э. Усмонхўжаев номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви ҳамда туман халқ таълими бўлими раҳбарларининг яқиндан ёрдам бериб келаётганликларини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтишни истардим.

Мана иккинчи йилдирки, туман «Ёш табиатшунослар» маркази-станцияси бизнинг мактаб базасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу боис атроф-муҳит муҳофазаси, экология бўйича таянч бўлишга арзирли ишлар қилишга ҳаракат қиламиз. Қисқаси, ўғил-қизлар ёзги таътилни мазмунли ўтказишяпти.

Каримбек ХОЛБЕКОВ,
Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўрта педагогика ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабулини тест синовлари воситасида ўтказиш ҚОИДАЛАРИ

1. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 05.05.95 йил 94-сонли буйруғи билан белгиланган қатор ўрта махсус педагогика ўқув юртларининг 9 синф базасидаги бўлимларига 1995— 1996 ўқув йилига ўқувчилар қабули ЭҲМлар воситасида тест синовлари асосида ўтказилади.

2. Ушбу ўқув юртларининг кундузги бўлимларига умумтаълим мактабининг 9 синф ҳажмида маълумоти бўлган Узбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар. Республика ҳудудида яшовчи чет эллик ҳамда яқин ҳамдўстлик республикалари фуқаролари шартнома асосида ўқишга қабул қилинадилар.

3. Барча ўқишга кирувчилар узларининг келиб чиқишларидан, жинсларидан, она тилларидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан ёки муносабатларидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Чеклашлар фақат Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тиббий кўрсаткичлар бўйича бўлиши мумкин.

4. Урта махсус педагогика ўқув юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-у шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см улчамли 6 та фотосурат. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

5. Ўқув юртларига ҳужжатлар 25 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Тест синовлари вазирлик билан келишилган ҳолда тузилган жадвал асосида 20 июлдан 20 августгача компьютерлар воситасида ўтказилади.

6. Тест синовлари саволлари умумтаълим мактабининг таянч (9 синф) таълим дастури бўйича тузилади, вазирлик белгилаган экспертлар гуруҳи томонидан таҳлилдан ўтказилиб тасдиқланади. ва ўқув юртлари томонидан абитуриентларга 25 июнгача эълон қилинади.

7. 03 03 «Жисмоний тарбия», 03 05 «Мусиқа тарбияси, 03 06 «Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш» мутахассисликларига ўқишга кирувчилар тест синовлари бошлангунга қадар махсус жадвал асосида ихтисослик бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Ижодий имтиҳон кўп баллик тизимида баҳоланади ва танлов вақтида қушиб ҳисобланади. Ихтисослик бўйича ижодий имтиҳонлар Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ўтказилади.

8. Ҳар бир абитуриент ўзи танлаган мутахассислиги бўйича:

8.1. 03 02 «Меҳнат таълими», 03 06 «Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш», 03 07 «Бошлангич синфларда ўқитиш» мутахассисликлари учун — она тили, адабиёт ва математика фанларидан;

8.2. 03 03 «Жисмоний тарбия», 03 08 «Мактабгача тарбия» мутахассисликлари учун — она тили, адабиёт ва биология фанларидан;

8. 3. 03 05 «Мусиқа тарбияси» мутахассислиги учун она тили ва адабиёт фанларидан компьютерлар воситаси тест синовлари топширадилар.

9. Тест синовларини қайта топшириш ман этилади.

10. Тест синови ўтказилиши тартиблари, фанлар бўйича уни баҳолаш мезонлари ва консультациялар ўтказиш тартиблари 25 июнгача ўқув юртлари эълонлар тахтачасида қайд этилади.

11. Ўқув юртининг қабул комиссияси вазирликнинг 05.05.95 йил 94-сонли буйруғи билан белгиланган комиссия билан келишилган ҳолда абитуриентларнинг тест синовларида тўплаган умумий баллари асосида мутахассисликлар ва таълимнинг қайси тилда олиб борилишига қараб талабалар танлови ўтказади.

12.Фанлардан тест синови натижаси бўйича тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан юқори балл тўплаган абитуриентлар танловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу масала айрим ўқув юртлар ва мутахассисликлар учун вазирлик комиссияси томонидан алоҳида кўриб чиқилиши мумкин.

13. Танлов жараёнида етим, ота-она қаровисиз қолган болалар тўплаган умумий баллга ушбу баллнинг 10 фоизи қўшиб ҳисобланади.

14. Ўқув юрти директорининг қабул тўғрисидаги буйруғи 25 августгача расмийлаштирилади ва ўқув юрти бўйича эълон қилинади.

15. Қабул билан боғлиқ барча бошқа масалаларни ўқув юрти қабул комиссиялари ва Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу қабул қоидалари ва қабул комиссияси ҳақидаги Низом асосида кўриб чиқадилар.

1995 йилги ўқувчилар қабули анъанавий усулда ташкил қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўрта педогогика ўқув юртларига қабул ҚОИДАЛАРИ*

1. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги билим юртларининг кундузги бўлимларига умумтаълим мактабининг 9- синфини тугатган, шунингдек тўлиқ ўрта мълумотга эга Узбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар. Республика ҳудудида яшовчи чет эллик ҳамда яқин ҳамдўстлик республикалари фуқаролари шарнома асосида ўқишга қабул қилнадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга ўрта маълумотга эга ва халқ таълими тизими муассасаларида ишлаётган шахслар қабул қилинадилар.

2. Барча ўқишга кирувчилар узларининг келиб чиқишларидан, жинсларидан, она тилларидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидирлар. Чеклашлар фақат Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белигиланган тиббий кўрсаткичлар бўйича бўлиши мумкин.

3. Ўрта педагогика ўқув юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-у шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси ёки жамоа ҳужалиги аъзоси дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажи борлар учун), 3х4 см улчамли 6 та фотосурат. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

4. Педогогика билим юртига кирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар.

03 02 «Меҳнат таълими», 03 07 «Бошлангич синфларда ўқитиш» мутахассисликларига —она тили (диктант), адабиёт ва математикадан (оғзаки);

03 03 «Жисмоний тарбия» мутахассислигига — она тили (диктант), биология (оғзаки) ва ихтисосликдан ижодий имтиҳон;

03 05 «Мусиқа тарбияси» мутахассислигига — она тили (диктант), адабиётдан (оғзаки) ва ихтисосликдан ижодий имтиҳон;

03 06 «Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш» мутахассислигига — она тили (диктант), математика (оғзаки) ва ихтисосликдан ижодий имтиҳон;

03 08 «Мактабгача тарбия» мутахассислигига — она тили (диктант), адабиёт ва биологиядан (оғзаки).

5. Қабул имтиҳонлари таълим олиб бориладиган тилда умумтаълим мактабининг тегишлича 9 синфи ва ўрта умумтаълим ҳажмига мувофиқ келадиган дастурлар асосида ўтказилади.

Ихтисослик бўйича ижодий имтиҳонлар Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ўтказилади.

6. Ўрта махсус педогогика ўқув юртларига ҳужжатлар 25 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Имтиҳонлар 20 июлдан 20 августгача ва талабаликка қабул жараёни 25 августгача тугалланади.

7. Ўқув юртларига танловлар қуйидаги тартибда ўтказилади:

7.1. Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган етимлар, ота-она қаровисиз қолган болалар, шунингдек, имтиёзи ҳақида ҳарбий комиссариатидан гувоҳномаси бўлган заҳирага жўнатилган ҳарбий хизматчилар (3 йил мобайнида) танловсиз қабул қилинадилар.

7.2. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга биринчи навбатда танлаган мутахассисликлари бўйича ишлаётган шахслар; ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари; 3 ёшгача боласи бор аёллар ва эгаллаган касбларига монанд мутахассисликка кираётган ҳунар билим юртларининг битирувчилари танлов асосида қабул қилинадилар.

7.1 ва 7.2 бандларда тилга олинган абитуриентлардан ортиб қолган бўш ўринларга танлов, қолган абитуриентлар орасида қабул имтиҳонларида тўплаган баллари асосида ўтказилади.

8. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, қабул комиссияси танловидан ўтган шахслар ўқув юрти раҳбарининг буйруғига асосан талабалик сафига қабул қилинадилар.

9. Қабул билан боғлиқ бўлган барча бошқа масалаларни ўқув юрти қабул комиссиялари ва Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу қабул қоидалари ва қабул комиссияси ҳақидаги Низоми асосида кўриб чиқадилар.

**ИЗОҲ: ушбу қабул қоидалари Халқ таълими вазирлиги тасаарруфидаги Ангрен, Бекобод, Косонсой, Нукус, Хужайли, Чимбой, Ангор, Каттақўрғон, Қарши педогогика билим юртларига 9синф ҳажмида, шунингдек ўрта махсус педогогика ўқув юртларининг қозоқ, тожик ва туркман тилларида ўқитиладиган бўлимларига 9синф ва ўрта умумтаълим ҳажмида ўқишга кирувчилар учун тааллуқлидир.*

Спорт

Тошкентда усти ёпиқ бино ва залларда учувчи авиамоделлар мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада республикамизнинг турли вилоятлари, Тошкент вилояти ҳамда шаҳри вакиллари фаол иштирок этдилар. Ғоят қизиқарли ўтган мусобақада пойтахтимиздаги Ҳамза туманининг ёш спортчилари фахрли биринчи, шаҳар ёш техниклар станциясининг ёш спортчилари иккинчи, қашқадарёликлар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Суратларда: 1. шаҳар ёш техниклар станцияси авиамоделчилар тўгарагининг раҳбари Валерий Темишев Тимур Фатхуллин ясаган моделни учиришга ҳозирламоқда. 2. 226-мактабнинг 8-синф ўқувчиси, Ҳамза тумани ёш техниклар станциясининг мусобақа қатнашчиси Дилшод Йўлдошев ўзи ясаган моделни учириш олдидан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ III СПАРТАКИАДАСИ

МАЙДОНДА — ЁШ ТЕННИСЧИЛАР

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» теннис кортида мактаб ўқувчилари учинчи спартакиадаси дастуридаги сўнгги спорт тури — теннис мусобақаси очилиш маросими бўлди. Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев республикамизда теннис спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидаги янги теннис кортларида халқаро мусобақалар бўлиб ўтганлигини таъкидлади.

— Сизлар, — деди нотиқ, — катта теннис мусобақаларида республикамиз шаънини ҳимоя қилувчи муносиб ўринбосарлар бўлиб етишасизлар, деб умид қиламиз.

Мусобаақа очилиши маросимида халқ таълими вазирининг ўринбосарлари Х. Ф. Маъсудов, Ҳ. Қ. Йўлдошев, вазирлик ҳамда спорт ташкилотлари ва жамиятлари раҳбарлари иштирок этишди.

Республикамизнинг Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Хоразм, Сухондарё, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Сирдарё вилоятларининг спортчилари бир ҳафта давомида қизғин кураш олиб боришди.

Бир ҳафта мобайнида спартакиада қатнашчилари ғалаба учун кураш олиб боришди. Ҳар қандай спорт турида бўлганидек, маҳорат ва ирода кучи ютуқлар омили эканлиги гувоҳи бўлдик.

Теннисчилар баҳсида пойтахт спортчилари дастлабки учрашувларданоқ ғалабага замин ҳозирлашиб, чемпион бўлишди.

Муросасиз курашларда яхши курсаткичларга эришган самарқандлик теннисчилар иккинчи, Бухоро вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Фарғона ва Андижон вилоятлари теннисчилари ҳам мусобақаларда дадил ҳаракат қилишиб, спорт маҳоратларини ошириб боришаётганликларини намойиш этишди.

ҚЎЛ ТЎПИ

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спартакиаданинг қўл тўпи мусобақалари бўлиб ўтди. Усмирлар мусобақасида Тошкент шаҳри спортчилари чемпион бўлишди. Тошкент вилояти — иккинчи, Андижон вилояти спортчилари учинчи ўринни қўлга киритишди. Қизлар беллашувида ҳам омад пойтахт спортчиларига кулиб боқди. Тошкент вилояти спортчилари — иккинчи, сирдарёликлар учинчи ўринни ишғол қилишди.

Мухбиримиз.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Чиноз туманидаги 28-ўрта мактаб яқинда шахмат ишқибозлари ва шахмат усталари билан гавжум бўлди. Бу ерда тумандаги таниқли шахмат усталари Мирза Умаров, Абдусаттор Исмоилов, Аҳмадхўжа Исахўжаевлар хотирасига бағишлаб хотира турнири ўтказилди.

Биринчи хотира тахтасида А. Исмоиловнинг укаси Норали Исмоилов, Мирза Умаровнинг ўғли Баҳодир Умаровлар дона суриб, ўйинни бошлаб беришди.

16 та шахмат тахтасида қизғин кураш олиб борилди. Мусобақа якунида Жаъфар Каримов биринчи, Тўлқин Бобоев иккинчи, Баҳодир Умаров учинчи ўринни олди. Ғолиблар пул ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланишди. Мусобақага туман халқ таълими касаба уюшмаси, Ёллама қишлоқ Шўроси, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ҳомийлик қилдилар.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

Бири кам дунё

ЁЗУВЧИНИНГ СЎНГГИ ИРОДАСИ

Туркиянинг машҳур ёзувчиси Азиз Несин 80 ёшида Измир шаҳрида вафот этди. Несиннинг ҳажвий асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган. Уни биз узбеклар ҳам яхши билардик. Қалами ўткир ёзувчи 100 га яқин китоб ёзган бўлса-да, камтарона яшарди, асарларидан тушган пулларга Несин жамғармасини ташкил этиб, Истанбулда қаровсиз болалар учун меҳрибонлик уйи қурган эди.

У ўз васиятномасида танасини тиббиётчилар текширувидан сўнг ўз жамғармаси ҳовлисидаги боққа кўмишни буюрди. Узининг барча пулларини жамғармага васият қилди. Ўғилларига эса битта-битта уй қолдирди.

ЧИВИНҚУВАРЛАР МУСОБАҚАСИ

Лапландиядаги Пелкосенниеми шаҳарчасида чивин ўлдириш бўйича «жаҳон чемпионати» бўлди. Бундай мусобақа учинчи марта ўтказилмоқда. 6 минутда 21 чивинни ўлдирган Хенри исмли маҳаллий йигит бу йилги «жаҳон чемпиони» бўлди.

ОББО, ЎҚИМАГАНЛАР-ЭЙ!

Челябинскдаги Фатеевка қишлоғилик Н. исмли аёлнинг маросимига келган беш қариндош ва икки фарзанди ҳам марҳумнинг кетидан нариги дунёга равона бўлишларига оз қолди. Аёл заҳарланишдан ўлган эди. Маросимга келганлар ҳам аёл ишлатган тузга ўхшаш оппоқ кристалдан овқатга солган эдилар. Бу туз эмас, заҳарли натрий нитрати экан. Болаликда химия дарсини ўқиш керак эди.

СИЧҚОННИНГ ЎЛГИСИ КЕЛСА...

Вашингтоннинг икки фуқароси Оқ уйга телефон қилиб, Америка президенти Билл Клинтоннинг «бошини кесамиз» деб пўписа қилишди. Хавфсизлик хизмати пўписачиларнинг телефон рақамини аниқлаб топди. Улар қўлга олинганда уйларидан наша экилган майдон ва гиёҳвандлик аслаҳалари топилди.

Сичқоннинг ўлгиси келса шундай бўлади-да. Агар улар кайф билан Оқ уйга телефон қилишмаганда «қора» ишларини давом эттириб юрган бўлишармиди...

Қуйи Чирчиқ тумани Уткин номидаги 30-мактаб томонидан Арипов Қодиржон Азимжонович номига берилган АО 021160 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 88-ўрта мактаб томонидан Брунковский Анатолий Александрович номига берилган АУ 296278 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мажид Саидовга отаси Саид ЁРҚУЛОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти ва табииёт — география факультети жамоаси ботаника кафедрасининг доценти М. Иброҳимовга умр йўлдоши Раъно ИБРОҲИМОВА вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси шоир, Адабиёт жамғармаси бош директори Ҳамроқул Асқаровга отаси Раҳмат АСҚАРОВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим илмий-методика маркази раҳбарияти, касаба уюшмаси ташкилоти мактабдан ташқари таълим лабораториясининг бош методисти Саодат Муҳамедовага онаси Санобар МУҲАМЕДОВА вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ЭЛЛИК ЁШЛИ БОҒЧА

Боғчамиз бундан 50 йил муқаддам «Баҳор» деб аталган. Орадан ярим аср ўтди. Бугунги кунда у пискентлик жажжи ширинтойларнинг севимли масканига айланди.

Яқинда янги бинога кўчиб ўтдик. Юбилей муносабати билан тарихий музей ташкил қилинди. Унда боғчамизнинг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотлар йиғилган.

Ота-оналар билан ҳамкорликда «Табиатни севамиз» хонасини ташкил қилганмиз. Бу ерда жажжи болажонларимиз қалбида ўлкамиз табиатига меҳр-муҳаббат уйғотамиз, уни севишга, асрашга ўргатамиз. Хонада сайроқи қушлар, аквариумда турли хил балиқлар ва анвойи гуллардан жонли бурчак ташкил қилинди. Булардан ташқари қизиқарли альбомлар, манзарали расмлар, китоблар тўпланган. Тарбиячиларимиз чизган расмларга ўтлоқ, боғ, кўл ва уларда яшайдиган жониворлар акс эттирилган. Боғчамиз кутубхонаси болажонлар, тарбиячилар, ота-оналар учун мўлжалланган китоблардан ташкил топган. Кутубхонани очишдан мақсад, болаларни китобни севишга, мустақил фикрлашга ўргатишдир.

Жамоамиз аҳли бамаслаҳат гуруҳларни «Риёзиёт», «Нутқ ўстириш», «Тасвири фаолият» ва «Касбга йўналтирувчи» деб номланган хоналарга ажратдик. Шуларга мос услубий қўлланмалар, кўргазмалар, зарур ўқув қуролларни тўпладик тажрибали ва иқтидорли тарбиячиларни бириктириб қўйдик.

Моҳир тарбиячилар Роҳатой Дусматова ва Раъно Одиловалар, тасвирий фаолиятнинг 4 бўлими бўйича иш юритяптилар. Шунингдек, иқтидорли болалар учун тўгарак ҳам ташкил этилди. Энди тақчил юмшоқ ўйинчоқни тарбиячилар ўзлари ясашяпти.

Икки йилдирки, боғчамизда оилавий гуруҳ фаолият кўрсатаётир. Унда ака-ука, опа-сингиллар бир гуруҳда тарбияланади. Кичкинтойлар ўзларини ўз уйидагидек ҳис этадилар, бир-бирига меҳр-оқибатли қилиб тарбияланадилар. Оилавий гуруҳга тарбиячи Дилором Йўлдошева бош-қош.

Яқинда мудирамиз Муборак Комилова раҳбарлигида боғчамизнинг 2000-йилгача бўлган мўлжал режасини тузиб чиқдик. Режада тарихий музей, табиат хонаси ва кутубхонани кенгайтириш, боғча ер участкасини қўкаламзорлаштириш, жисмоний тарбия майдончасини спорт анжомлари билан янада бойитиш, ёзги айвончаларни эртаклар асосида безаш, боғчада юритиладиган ҳужжатлар ва ёзувларни лотин ёзувига алмаштириш каби ишлар кўзда тутилган. Ҳамкасбимиз Фотима Самадова малака ошириш курсида лотин ёзувини ўрганиб қайтди. Хуллас, кичкинтойларни комил инсон қилиб тарбиялаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаяпмиз.

Зулфия БЕГМАТОВА,
Пискент шаҳри.

Диққат, диққат!

ИМТИЁЗЛИ ТЎЛОВЛАР

Давлат ва идораларга, уй-жой қурилиш кооперативларига қарашли ҳамда хусусий уйларда истиқомат қилувчи маориф ходимларига электр ва иссиқлиқ энкергиясидан фойдаланганлик ҳақини тўлашда имтиёзлар берилган.

Қишлоқ ва шаҳарсифат қўрғонларда яшовчи маориф ходимлари электрдан фойдаланишдаги тўловлардан озод қилинади. Чунки, бундай тўловлар ҳокимликлар зиммасидадир. Шаҳарликларга эса электр-қувват ҳақининг 50 фоизини тўлаш учун имтиёз берилади. Фақат бунда электрдан фойдаланиш меъёри ойига 110 квт.дан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда белгиланган меъёрдан ортиқча сарфланган энергия учун тўлиқ ҳақ ундирилади.

Имтиёзли тўловлардан фойдаланиш учун маориф ходимлари ишлаб турган жойлари (ўқув юрти, муассасада камида 10 йилдан бери маориф соҳасида ишлашларини тасдиқловчи, фахрийлар эса туман халқ таълими бўлими)дан маълумотнома тавсия этадилар.

Маориф ходимининг уйи марказий иситиш тизимига уланмаган бўлса, ҳар бир печка учун йилига 1 тонна ёқилғи ҳисобида товон тўланади.

Имтиёзли тўловлар иссиқхона, гулхоналар ва томорқа хўжаликларини иситиш ё ёритишда қўлланилмайди.

Ижарада турган ёки ижарада турувчининг оила аъзоси бўлган ҳамда ишлаб турган, дам олаётган маориф ходимлари тенг асосларда коммунал хизматлар учун имтиёзли тўловлардан фойдаланадилар.

Мамлакатимиз аҳолисига электроэнергия ҳеч чекланишларсиз узатилади.

Оилангиз жамғармасини тежаш мақсадида тавсия қиламиз:

электроэнергиядан тежаб, қадрига етиб ишлатинг, беҳуда сарфланишига йўл қўйманг.

Эътибор беринг:

— телевизорингиз ҳеч кимсиз, ўзича ишламаяптими?

— кимсасиз хонада чироқлар машъалдек ёнмаяптими?

— совитгичнинг музхонасини қиров босмаганми? Чунки у қалинлашиб музга айланса, электроэнергиянинг 15 фоизгача кўпроқ сарфланишига сабаб бўлади.

«ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ».

«МАЪРИФАТ»
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0305. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6